

ЗАМОНАВИЙ БОҒЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамарасулова Манирахон Турсунбоевна

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти доценти

Ахмадалиев Муроджон Жахонгир ўғли

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти 3-босқич
талабаси*

Ахмаджонов Рахимжон Рахмонали ўғли

Говурова Барно Исроилжон қизи

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти 1-босқич
талабалари*

Аннотация: *Мақолада интенсификация боғларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ишлов бериш усуллари келтирилган.*

Калит сўзлар: *интенсификация, ресурс, таъмир, кўчат, сердаромад, куб, қатқалоқ, комбинациялашган, операция, тежамкор.*

Жахон миқёсида аҳолининг озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан кунга ошиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ҳосилдирлик ва манфаатдорликни янада ошириш, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий ёндашувларни жорий этиш долзарб масаладир [1;2].

Шу жумладан мевали боғларнинг ҳосилдорлиги, узоқ яшаши ва сердаромад бўлиши унинг қанчалик тўғри барпо қилинганлигига боғлиқ.

Ҳозирги кунда республикамиздаги эски боғлар қайта таъмирланиб, жуда катта майдонда янги боғ ва токзорлар барпо этилмоқда. Янги боғлар ташкил этишда интенсификация, тез ҳосилга кирувчи мевали дарахтлар кўчатлари экилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида боғдорчиликни ривожлантириш, янги боғлар барпо этиш, кўчатларни турли касалликлардан асраш, навларни янгилаш ва мева-сабзавот экспорт ҳажмини ошириш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда [3;7].

Ҳозирги кунда бутун дунёда глобал муаммога айланиб келаётган сув танқислиги муаммоси ортиб бораётганлиги сабабли интенсификация усулда меваларни етиштириш давомида сувни етарли даражада тежашга олиб келади, яъни бу усулдаги боғлар учун томчилатиш йўли билан атиги 70 куб сув етарли бўлади. Интенсификация боғлар тез ҳосилга кириши ва серҳосиллиги билан анъанавий боғлардан афзал ҳисобланади. Интенсификация усулдаги боғлар ҳар жиҳатдан фойдали ва сердаромад ҳисобланиб, иккинчи йилдаёқ ҳосилга киради яъни интенсификация боғларда ҳосилдорлик 55-80 тоннани ташкил қилади.

Бундан ташқари интенсив боғларда дарахтларнинг танаси кичик бўлганлиги учун улар билан ишлаш қулай (ишлов бериш, суғориш, кесиш, шакл бериш, дори сепиш ва мевани териш). Бундай боғларда дарахт танасига ёруғлик тушиши, ҳаво айланиши яхши бўлганлиги учун мевасининг сифати юқори бўлади. Интенсив боғларнинг мевасини териш ҳам анча қулай, бунда иш унумли, юқори бўлиши билан бир қаторда, терилган маҳсулотнинг товарбоплиги ҳам ортиб нобуд бўладиган мевалар сони камаяди.

Бугунги кунда республикада мевали боғ майдонлари 272 минг гектар, шу жумладан, интенсив боғлар 40 минг гектарни ташкил қилади. Интенсив боғларни янги олий навли кўчатлар билан таъминлаш борасида ҳар бир вилоятда 5-6 тадан кўчатчилик фермер хўжаликларининг ташкил этилгани ҳам боғдорчилик хўжаликларини олий навли кўчатлар билан таъминлаш имконини бермоқда. Улар дастлабки йилларда асосан Сербия, Украина, Полша, Туркия каби давлатларидан олиб келинган.

Интенсив боғлардан юқори ҳосил олиш учун мавсумий агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли олиб борилиши зарур ҳисобланади. Боғ парваришида илғор технология ва тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш, турли касалликларга қарши белгиланган тартибда ишлов бериш боғлардан юқори ҳосил олиш имконини беради.

Ўсимликларни экиш ёки ўтқозишдан бошлаб, то уларни йиғиб-териш олишгача бўлган муддатда уларни ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалик экинларини сифатли етиштиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Боғдорчиликка ихтисослашган илмий - тадқиқот институтлари ва илғор фермер хўжаликларининг кўп йиллик тажрибаларига кўра, интенсив боғ қатор ораларига асосан эрта баҳорда ва кўзда ишлов бериш амалга оширилиши лозим.

Кўзда тупроққа ишлов беришдан асосий мақсад, қиш давомида тупроқда намликни кўпроқ сақлаб қолиш бўлса, баҳорда ишлов беришдан мақсад эса қишдаги ёғингарчилик туфайли қатқалоқ ҳосил қилган тупроқ юзасини очиб, бегона ўтлардан тозалашдир.

Боғ қатор оралари тупроғига ишлов беришда, дарахтлар квадрат шаклда экилган бўлса қатор ораси тупроғига икки йўналишда ишлов берилади, тўғри бурчакли усулда экилган боғ қатор ораларига эса бир йўналишда ишлов берилади, яъни бир томонлама ишлов берилади.

Юқоридагилардан маълум бўлишича бундай усулларда интенсив боғ қатор ораларига ишлов бериш бир мунча қийинчиликларни юзага келтиради. Бундан ташқари бу технологияларда интенсив боғ қатор ораларига ишлов беришда бир неча операциялар: яъни операцияларни қўплиги билан ҳам ажралиб туради.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги майдонларидан самарали фойдаланиш йўналишида кенг кўламли ишлар олиб борилди ва интенсив боғ майдонлар ҳажми

кенгайтирилиб, у ерлар тупроғига комбинациялаштирилган қуруллар билан ишлов бериш кенг жорий қилинмоқда.

Тупроқ юзасини юмшатишда, ерни бегона ўтлардан тозалаш ва текислашда бу тадбирларнинг аҳамияти катта. Бунда, экин сифатли эқилишига, кўчатлар тўлиқ бўлишига, ўсимликлар яхши ўсиши ва ривожланишига қулай шароит яратилади. Бегона ўтларни йўқотиш ва ҳосил бўлган қатқалоқни бузиш ҳамда зичлашиб қолган ерни ағдармасдан юмшатиш учун махсус интенсив боғ қатор ораларига ишлов берувчи қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади [6;7].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Результаты исследований структур и свойств покрытий, полученные контактной приваркой композиционных порошковых материалов КЗ КОСИМОВ, МТ МАМАРАСУЛОВА, М САЙФИДИНОВА Российский электронный научный журнал, 5-11

2. Theory and experimental results of surveys to determine the diameter of teeth plank МТ Mamarasulova, МК Mamadaliyev, RA Abdirkhmonov International Journal of Mechanical Engineering 7 (3), 578-581

3. Результаты проведенных экспериментальных исследований комбинированного дискового машины МТ Мамарасулова, МХ Мамадалиев, РА Абдирахмонов Экономика и социум, 739-742

4. Determination of the optimal values of the parameters of the roller funnel of the machine for continuous monitoring of arable land МТ Мамарасулова НамМТИ илмий-техника журнали 3, 129-134

5. Шудгорланган ерларга изма-из ишлов берадиган комбинациялашган машина МТ Мамарасулова

6. Agro ILM (O'zbekiston qishloq xo'jaligi журнали илмий иловаси).–Тошкент, 100-101

7. М.Мамадалиев, Р.Абдирахмонов, М.Мамарасулова. // Сабзавот экинларини йиғиб олишда қўлланиладиган ресурстежамкор машина конструкцияси Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнал 54-56

Baratjon ogli, S. F. (2023). QALAMPIR YALPIZ OSIMLIGINING MORFOLOGIYASI, KIMYOVIY TARKIBI VA TIBBIYOTDA QOLLANILISHI. *PEDAGOG*, 6(2), 642-646.

Baratjon ogli, S. F. (2023). DALACHOY OSIMLIGINING MORFOLOGIYASI, KIMYOVIY TARKIBI VA TIBBYOTDA QOLLANILISHI. *SCIENTIFIC ASPECTS AND TRENDS IN THE FIELD OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 1(7), 98-101.

Yusupova, Z. A., Baratjon ogli, S. F., & Abduqunduzovna, M. Z. (2023). Medicinal Plants Growing in Our Republic Medicinal Properties. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 15, 5-7.

Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2022). NATURAL MEDICINAL HERBS OF THE LAMIACEAE FAMILY AND THEIR MEDICAL PROPERTIES. *JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH*, 2(13), 64-68.

Baratjon o'g'li, S. F. (2022). ПРИРОДНЫЕ ЛЕКАРСТВЕННЫЕ ТРАВЯНИСТЫЕ РАСТЕНИЯ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ СЕМЕЙСТВА LAMIACEAE И ИХ ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА. *Scientific Impulse*, 1(5), 1048-1055.

Yusupova, Z. A., Sayramov, F., & Azizov, R. (2023). RAYHON OSIMLIGINING MORFOLOGIYATI, KIMYOVIY TARKIBI VA TIBBIYOTDA QOLLANILISHI. *Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences*, 3(1), 14-19.

Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2022). FEATURES OF THE GENUS LAMIACEAE FAMILY, WHICH WE KNOW AND DO NOT KNOW ABOUT. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(23), 87-90.

Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2023). LIFE FORMS, MORPHOLOGY AND DISTRIBUTION OF REPRESENTATIVES OF LAMIACEAE FAMILY. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(1), 288-295.

Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2023). CHEMICAL COMPOSITION OF MEDICINAL PLANTS AND USE IN MEDICINE. *PEDAGOG*, 1(5), 30-36.

Baratjon ogli, S. F. (2023). Morphology, Chemical Composition and Medical Use of Ocimum Plant. *Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences*, 13, 5-8.

Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2023). ESSENTIAL OIL PRESERVATIVE CONTAINING TIMOL REPRESENTATIVES OF THE LAMIACEAE FAMILY. *SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 1(6), 104-108.

Baratjon ogli, S. F. (2023). ARSLONQUYRUQ OSIMLIGINING MORFOLOGIYATI, KIMYOVIY TARKIBI VA TIBBIYOTDA QOLLANILISHI. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(7), 983-986.

Baratjon o'g'li, S. F. (2022). ПРИРОДНЫЕ ЛЕКАРСТВЕННЫЕ ТРАВЯНИСТЫЕ РАСТЕНИЯ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ СЕМЕЙСТВА LAMIACEAE И ИХ ЛЕЧЕБНЫЕ СВОЙСТВА. *Scientific Impulse*, 1(5), 1048-1055.

Teshaboyeva, M., Mamanazarov, B., & Sayramov, F. (2022). LAMIACEAE OILASINING ZIRAVORLIK XUSUSIYATIGA EGA TURLARI. *Science and innovation*, 1(D8), 509-514.

Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2023). LIFE FORMS, MORPHOLOGY AND DISTRIBUTION OF REPRESENTATIVES OF LAMIACEAE FAMILY. *Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities*, 11(1), 288-295.

Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2022). FEATURES OF THE GENUS LAMIACEAE FAMILY, WHICH WE KNOW AND DO NOT KNOW ABOUT. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(23), 87-90.

Yusupova, Z. A., & Baratjon o'g'li, S. F. (2022). BIOECOLOGICAL PROPERTIES OF MEDICINAL SPECIES OF THE MINT FAMILY

(LAMIACEAE). Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 10(11), 183-190.

Yusupova, Z. A., & Baratjon o'g'li, S. F. (2022). LAMIACEAE OILASINING EFIR MOYIGA BOY BO'LGAN BAZI TURLARINING MORFOLOGIYASI. Scientific Impulse, 1(2), 692-695.

Yusupova, Z. A., & Baratjon ogli, S. F. (2022). LABGULDOSHLAR OILASI VAKILLARINING HAYOTIY SHAKLLARI, MORFOLOGIYASI VA TARQALISHI. IJODKOR O'QITUVCHI, 2(24), 472-479.